
ҚЎҚОНДА ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қўқон шаҳридаги Ўрда майдонида иккинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Президент Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари Одил Абдурахмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иккинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали иштирокчиларига йўлаган табригини ўқиб эшиттирди.

“Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган бизнинг жонажон Ватанимиз ҳам ҳунармандчилик соҳасидаги ўлмас анъаналари, моҳир уста ва ҳунармандлари билан шуҳрат қозониб келади.

Айниқса, мана шу анжуманга мезбонлик қилаётган гўзал Фарғона вилояти, юртимизнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Ҳўқанди латиф ўзининг бу борадаги бетакрор мероси, тарихий мактаблари билан алоҳида ажралиб туради.

Биз бу ўлкада кулолчилик, ипак ва абрли матолар ишлаб чиқариш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва наққошлик санъати, пичоқчилик, дўппидўзлик каби ҳунар турлари кенг ривожланиб, миллий бренд даражасига кўтарилгани билан фахрланамиз” дейилади табрикда.

Фестиваль очилиш маросимида Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал-Қаддумий ҳам нутқ сўзлади.

Тадбирда республикаимизнинг таниқли санъаткорлари ҳамда жамоалари иштирокида катта концерт дастури ҳам тақдим этилди.

Тантанали маросим ёрқин мушакбозлик билан якунланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-23 14:52:16